

Т/р

## Касб фаолияти соҳаси

1. Таълим турларини санаб беринг.
2. Професионал таълим тўғрисида маълумот беринг.
3. Олий таълимдан кейинги таълим олиш тартибини тушунтириб беринг.
4. Таълим олиш шакллари ҳақида маълумот беринг.
5. Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари қайсилар ва уларнинг қандай ваколатлари мавжуд?
6. Таълим ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисида умумий маълумот беринг.
7. Таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби ҳақида маълумот беринг.
8. Олий таълимдан кейинги таълим қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?
9. Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун талаблар ва қандай ҳужжатлар тақдим қилинади?
10. Илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини санаб беринг.
11. Олий таълимдан кейинги таълим қандай шаклларда амалга оширилади?
12. Илмий унвонлар турлари? Илмий унвонларга талабгорга қўйилган умумий талаблар қандай?
13. Илмий фаолият нима? Илмий фаолият субъектлари кимлар?
14. Илм-фан ва таълимнинг узвий боғлиқлиги деганда нимани тушунасиш?
15. Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар ҳақида нималарни биласиз?
16. Тошкент давлат юридик университети фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида маълумот беринг.
17. Тошкент давлат юридик университети магистратурасига хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш тартиби бўйича маълумот беринг.
18. Тошкент давлат юридик университети фаолияти билан боғлиқ сўнгги янгиликлар ҳақида маълумот беринг.
19. ТДЮУ қошидаги академик лицейига ўқишга қабул қилиш тартиби қандай?
20. Юридик техникумларни фаолиятини тартибга солидиган қанадй норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз?
21. Юридик техникумларга ўқишга қабул қилиш тартиби қандай? Юридик техникумлар қайси соҳа мутахассисликларда кадрлар тайёрлайди?
22. Юридик техникумга ўқишга киришда қандай ҳужжатлар топширилади?
23. Қандай маълумотга эга бўлган шахслар юридик техникумларга ўқишга қабул қилиниши мумкин?
24. Юридик техникум битирувчиларига Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига кириш учун йўлланма беришда қандай минимал талаблар ҳисобга олинади?
25. Қонунчиликка мувофиқ кимлар юридик техникумларга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади?
26. Юридик техникум битирувчилари ўқишни тамомлаб қайси соҳаларда ишлаши мумкин?
27. Юридик техникум ўқувчилари учун тўлов-контрак маблағларини амалга оширишда қандай имтиёз мавжуд?
28. Юридик техникумлар ўқувчиларининг ўқишни кўчириш тартиби ҳақида тушунча берсангиз?
29. Таълим тушунчаси ва таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини тушунтириб беринг?

30. Бугун жамиятимизда “уюшмаган ёшлар” тушунчасининг маъно-мазмуни хусусида турли баҳс-мунозаралар кетмоқда. Сизнингча, мазкур тушунча кимларга нисбатан ишлатилиши мумкин?
31. Кимлар академик лицейнинг мос йўналишига қабул параметрларидан ташқари имтиҳонсиз қабул қилинадилар?
32. Ўрта махсус таълим тўғрисида маълумот беринг.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг мазмуни нимадан иборат?
34. Давлат таълим стандартининг мақсади нима?
35. Суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ҳақида маълумот беринг?
36. Адлия вазирлигига суд-экспертиза соҳасида қандай ваколатлар берилган?
37. Суд экспертиза деганда нима тушунилади?
38. Суд эксперти ким? Кимлар суд эксперти бўлиши мумкин?
39. Суд экспертнинг хулосаси (хулоса) қандай ҳужжат?
40. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлари? Суд экспертизаси қачон тайинланган ҳисобланади?
41. Экспертиза хулосаси беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат қайси ҳолатларда тузилади?
42. Суд эксперти сифатида кимлар иштирок этади?
43. Комиссиявий ва комплекс экспертизаларни таърифлаб беринг?
44. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш деганда нимани тушунаси?
45. Суд экспертларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимадан иборат?
46. Нодавлат суд экспертиза муассасини ташкил этишга доир талаблар ҳақида нималарни биласиз?
47. Нодавлат суд экспертларини қайта тайёрлаш қайси муассасаларда ташкил этилади?
48. Суд эксперти ўз фаолиятида мустақилми ?
49. Давлат суд-экспертиза муассасаси деганда нимани тушунаси?
50. Давлат суд-экспертиза муассасалари фаолиятининг молиялаштириш тартиби қандай?